

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШОМУРОДОВА ГУЛЧЕХРА ХУРШИДОВНА

**ПАРОДОНТИНГ ҚЎШМА ЯЛИҒЛАНИШЛИ-ДЕСТРУКТИВ
ЗАРАРЛАНИШЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Шомуродова Гулчехра Хуршидовна

Пародонтнинг қўшма ялиғланишли-деструктив зарарланишларни
комплекс даволашни оптималлаштириш..... 3

Шомуродова Гулчехра Хуршидовна

Оптимизация комплексного лечения сочетанных воспалительно-
деструктивных поражений пародонта..... 27

Shomurodova Gulchekhira Khurshidovna

Optimisation of complex treatment of combined inflammatory-destructive
periodontal lesions..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШОМУРОДОВА ГУЛЧЕХРА ХУРШИДОВНА

**ПАРОДОНТИНГ ҚЎШМА ЯЛИҒЛАНИШЛИ-ДЕСТРУКТИВ
ЗАРАРЛАНИШЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Tib1736 рақам билан рўйхатга олиган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsd1.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юсупалиходжаева Саодат Хамидуллаевна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Бекжанова Ольга Есеновна тиббиёт фанлари доктори, профессор Хайбулина Расима Рашидовна тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)
Етакчи ташкилот:	Кубан давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (рўйхатга олинган № ____). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-й Тел./факс: (+99871) 230-20-65; (+99871) 230-47-99.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Қ.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда эндодонтик ва пародонтал зарарланишларнинг этиопатогенетик, диагностик ва терапевтик жиҳатларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бугунги кунда, «...эндодонт ва пародонтнинг кўшма патологияси кенг ўзгарувчанлиги билан тавсифланувчи муҳим тиббий - ижтимоий муаммо бўлиб ҳисобланади...»¹. Кўпгина мутахассисларнинг таъкидлашича, «...пародонт ва эндодонтнинг кўшма касалликларини ривожланиши ва кечишининг хусусиятлари ташхислашни қийинлаштиради, касалликни башоратлашни шубҳа остига қўяди, даволашни қийинлаштиради ва оқибатда беморларнинг стоматологик реабилитацияси самарадорлигини пасайтиради...»². Пародонтнинг кўшма ялиғланишли-деструктив зарарланиши (ПКЯДЗ) – кўп омилли касалликдир, хусусан «...тишлар юзасида микробли карашлар, улар метаболизмининг маҳсулотлари, оғиз бўшлиғининг ҳолати биоқатлам ҳосил бўлишига олиб келади ҳамда оғиз ичи микрофлорасини патогенлик потенциалини ошириш орқали пародонтга ва пародонтал гомеостазни таъминловчи умумий омилларга таъсир этади...»³, бу мазкур патологияни ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари жорий этиш заруриятини белгилайди.

Дунёдаги кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оғиз бўшлиғининг микробиоценози беморнинг соматик ҳолатига таъсир қилади, хусусан худди шу тарзда пародонт ва эндодонт ҳолатини патологик ўзгартиради. Эндодонтал тўқималарининг хужайра тузилмаларидаги патологик жараёнларининг этиологияси, патогенези, клиникаси, ўзаро боғлиқлиги ўрганилган. Буларнинг барчаси ташхислашни башоратлаш самарадорлигини оширувчи кўшимча ёндашувларни жорий этиш ва ПКЯДЗда ўз вақтида индивидуал даволаш тадбирларини амалга ошириш долзарблигидан далолат беради.

Мамлакатимизда тиббиётни ва шу жумладан стоматология соҳасини ривожлантириш, хусусан, стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олиш, уларнинг аҳоли орасида асоратларини камайтиришга қаратилган чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан «...соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида, соҳага илғор ва рақамли технологияларни жорий этиш»⁴ белгиланган. Ушбу вазифалар ПКЯДЗ ташхислаш ва даволаш бўйича замонавий тиббий хизматлар даражасини оширишга ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш

¹Крикун Е.В. Клинико-иммунологическое обоснование применения диодного лазера в комплексном лечении эндо-пародонтальных поражений // Автореф. дисс. ...к-та мед. наук. – Уфа, 2020.- 23.

²Мороз П. В. Эндодонтопародонтальные поражения: закономерности формирования и лечение. // Автореф. дисс. ...док. мед. наук. – Санкт-Петербург, 2018.- 41.

³Kornman KS, PapapanouPN. Clinical application of the new classification of periodontal diseases: ground rules, clarifications and “gray zones”. J Periodontol. 2020;91:352–360

⁴Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4847 от 02 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления сферой здравоохранения».

орқали этиопатогенетик даволаш частотасини камайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020-йил 7 апрелда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Инновацион фаолият тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 2020 йил 19 июнда Сенат томонидан маъқулланган, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касалликнинг кечишини оғирлашиши, башоратлашнинг ёмонлашиши, даволашнинг қийинлашувига микроблар ва уларнинг токсинларини қон томир йўллари ва дентин найчалари (табуляр йўл) орқали пародонтдан эндодонтга ва орқага кириб бориши кўмаклашади (Адамчик А.А., 2017; Бекжанова О.Е., 2020; Блашкова С.Л., 2020; Галиева Д.Т., 2015; Дежурко-Король В.А., 2019; Куратов И.А., 2019; Мороз П.В., 2018; Мухиддинов Ш.Д., 2021; Al Jasser R et.al., 2021; A.A.al.Massan, 2018). Периодонт тўқималарининг сурункали касалликлари, шу жумладан периапикал тўқималарнинг сурункали яллиғланиши куйидаги оғир асоратларга олиб келиши мумкин: жағ остеомиелити, жағ некрози, сепсис, бу охир-оқибатда беморнинг ҳаёт сифатини ёмонлаштирувчи узоқ муддатли ногиронликка олиб келади (Герасимова Л.П., 2014; Тагаева Ш.О., 2021; Триголос Н.Н., 2015; Лукина Г.И., 2016; Шайымбетова А.Р., 2017; Шашмурина В.Р., 2018; Юсупова А.Ф., 2021). Кўплаб хорижий муаллифларнинг фикрига кўра (Alshawwa H. et.al., 2020; Barbossa Riberiro M. et al., 2020; Gbadebo S.O. et al., 2014; Falcao A. et al., 2019; Yang N.-Y. et al., 2018), пародонтитни эндодонт тизимига тескари таъсири ҳам кузатилади.

Анъанавий эндодонтик муолажалар ва мукамал ўтказилган медикаментоз ишловдан сўнг, кириш қийин бўлган дентин найчалари ва периапикал тўқималарда периодонтитнинг қайталанишига ёрдам берадиган микрофлора қолади. Салбий томони бўлиб, патоген микроорганизмларни тўлиқ элиминацияси учун тавсия этилган усулларнинг экспозицияси етарли даражада эмаслиги ҳисобланади (Когина Э.Н., 2019; Куратов И.А., 2019; Маннак Т.Н., 2017; Орехова Л.Ю., 2018; Павлович О.А., 2017; Alfadda S. et al., 2021; Bronzatto J.D. et al., 2021; Caputta P.E. et al., 2017; Giardino L. et al., 2014).

Юқорида этиб ўтилганларнинг барчаси мутахассисларни даволашнинг муқобил воситалари ва усулларини, шу жумладан хужайралар озикланишини, тўқималарда модда алмашинувини яхшилайти, томирларнинг микроциркуляцияси ўтказувчанлигини ва қондаги антиоксидантлар

даражасини оширишга кўмаклашади, бу ўз навбатида оғриқ ҳиссини, спазмларни, шишни йўқотишга ёрдам беради, яллиғланишга қарши ва иммуностимуляцияловчи таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда пародонт ва эндодонт касалликларини диагностикаси, терапияси ва даволашини такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. Зойиров Т.Э. (2018) пародонтитнинг оғирлик даражаси ошиши билан витал тишлар пульпасидаги функционал ўзгаришлар ўсишининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаган. Эндодонтал зарарланишларнинг патогенези тўғрисидаги янги маълумотлар даволашнинг янги комплекс усулини ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Ризаев Э.А. (2021) яллиғланишли-деструктив пародонт зарарланишларининг ривожланишини патогенетик механизмини ўрнатишга кўмаклашувчи генераллашган пародонтит ривожланишининг устувор хавфини баҳоловчи модулни ишлаб чиққан. Азимов А.М. (2022) периапикал тўқималарнинг одонтоген яллиғланиш касалликлари бўйича тадқиқот ўтказган, у периапикал тўқималарнинг ўткир ва сурункали одонтоген яллиғланиш касалликлари учун хос бўлган қиёсий ташхисловчи мезонларини ишлаб чиққан.

Сўнгги йилларда маҳаллий стоматологияда пародонтнинг кўшма яллиғланиш-деструктив зарарланишларини ташхислаш ва даволаш муаммоларининг ечимига қаратилган тадқиқотлар ўтказилмаган. Апикал периодонтнинг яллиғланишини шунингдек, пародонтдаги яллиғланиш жараёнларини ўз вақтида ташхислаш ва даволаш лозимлиги шубҳасиздир.

Юқорида айтилганларнинг барчаси мутахассисларни ташхислаш ва даволашнинг альтернатив воситалари ва усулларини, шу жумладан номедикаментоз усулларни топишга ундайди, бу бугунги кунда стоматологлар олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011900242-сонли “Тишларнинг қаттиқ тўқималари, пародонти ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини диагностика қилиш, даволаш, олдини олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2020-2025 йй.).

Тадқиқот мақсади пародонтнинг кўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларини даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

пародонт кўшма яллиғланишли-деструктив зараланишларининг клиник белгиларини баҳолашнинг баллик шкаласини ишлаб чиқиш;

яқин инфрақизил диапазондаги импульсли яримўтказгичли лазер учун оптик мосламани ишлаб чиқиш ва унинг тишларнинг қаттиқ тўқималари тузилмасига ва илдиз канали микрофлорасига таъсирини ўрганиш;

«Фурасол» антисептики ва МИЛ терапиясини оғиз суюқлигининг носпецифик резистентлик кўрсаткичларига ва оғиз бўшлиғининг

коллонизацион резистентликка таъсирини аниқлаш;

фотосенсибилизатор сифатида антисептик «Фурасол»ни ва «Согдиана» магнит-инфрақизил лазерни қўллаган ҳолда фотодинамик терапия усулини ишлаб чиқиш;

пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зараланишларида анъанавий усуллар ва фотодинамик терапияни қўллаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2022 йилларда Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг терапевтик стоматология поликлиникасига мурожаат қилган, амбулатор-поликлиник шароитда даволанган 25-65 ёшдаги пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланиши бўлган 128 нафар бемор олинган. Индивидуалашган терапияни баҳолашда 98 нафар бемор иштирок этди, улардан 120 нафари назорат гуруҳини ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишлари бўлган беморларнинг оғиз суяқлиги, милк суяқлиги, микробларнинг этиологик жихатдан аҳамиятли штаммлари, тишлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ўтказишда клиник, морфологик, микробиологик, иммунологик ва статистика усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пародонт қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларининг клиник кўрсаткичларини миқдорий жихатдан баҳолашнинг балллик шкаласи ишлаб чиқилган;

морфологик ва микробиологик тадқиқотларда «Фурасол» ёрдамида канал ичи эндодонтик фотодинамик терапияни ўтказишда ишлаб чиқилган оптик мосламани клиник амалиётда қўллаш самарадорлиги исботланган;

илк бор in Vitro тажрибасида магнитли-инфрақизил лазер (МИЛ) ва «Фурасол» антисептигини канал ичи таъсирида тишнинг қаттиқ тўқималарининг тузилишига зарар етказмаган ҳолда, илдиз каналидаги факультатив анаэроб микроорганизмларнинг титри сезиларли даражада камайиши ҳамда оғиз бўшлиғининг носпецифик резистентлигини ошиши аниқланган;

пародонтнинг қўшма яллиғланишли деструктив зараланишни умумий қабул қилинган маҳаллий даволашдан, ишлаб чиқилган алгоритмнинг ўртача умумий клиник самарадорлиги ишончли даражада 42,65%га ошиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касалликнинг кечишини ишлаб чиқилган клиник баҳолаш адекват терапияни тайинлаш ва унинг самарадорлигини баҳолаш учун асос бўлиб ҳисобланган;

пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларини комплекс даволашда, квант ва лазер терапияси аппаратининг канал ичи мосламасидан фойдаланиш, периапикал тўқималарда яллиғланишни

камайтиришга ёрдам беради, суяк тўқималари регенерациясини рағбатлантирилишига кўмаклашади;

экспериментлар ва клиник тадқиқотлар ёрдамида *Staphylococcus aureus*, *Streptococcus mutans* u *Streptococcus faecalis* (яъни энтерококклар)ни элиминациясига кўмаклашишда ва фагоцитар фаолликни оширишда «Фурасол»ни фотосенсибилизатор ва МИЛ терапияси сифатида қўллашнинг клиник самарадорлиги исботланган;

пародонтнинг кўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларини комплекс даволашда ишлаб чиқилган илдиз каналларига кўшма усул ёрдамида тиббий ишлов бериш даволаш муддатини 14,88 кунга қисқартириши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларни олинган натижалар билан мослиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий клиник, морфологик, микробиологик, иммунологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек пародонт кўшма зарарланишларини комплекс даволашни такомиллаштириш ва касалликнинг ўзига хослигини баҳолашга янги ёндашув натижаларини халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган касаллик кечишининг клиник кўрсаткичларини миқдорий жиҳатдан баҳолашнинг балллик шкаласи тўғри даволаш терапиясини тайинлаш ва унинг самарадорлигини баҳолаш учун асос бўлиб ҳисобланади, «Фурасол» антисептигини фотосенсебилизатор сифатида магнитли-инфракизил лазер (МИЛ) билан комплекс қўлланилиши илдиз каналидаги факультатив анаэроб микроорганизмларнинг титри сезиларли даражада камайиши ҳамда оғиз бўшлиғининг носпецифик резистентлигини ошишига кўмаклашиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ўртача гуруҳ клиник кўрсаткичлари даволашнинг комплекс усулининг самарадорлигини баҳолаши, «Фурасол»ни фотосенсибилизатор сифатида қўлланилиши илдиз каналларига медикаментоз ишлов беришнинг энг оптимал усули ҳисобланиб, дори эритмасининг анатомик мураккаб каналлар тизимига чуқур кириб боришини таъминлаши, бу эса пародонтнинг кўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларида микробли ифлосланишининг пасайишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш. Пародонтнинг кўшма яллиғланишли деструктив зарарланишларини комплекс даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Пародонтнинг кўшма яллиғланишли деструктив зарарланишларини даволашга қиёсий ёндашув» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган

(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 17 февралдаги 8н-р/150-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларида этиопатогенетик терапия самарадорлигини ошириш, ташҳислаш ва даволаш муддатларини қисқартириш, ремиссия муддатини узайтириш имконини берган;

«Пародонтнинг қўшма яллиғланишли деструктив зарарланишларини клиник кечиши хусусиятларини ташҳислашни такомиллаштириш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 11 мартдаги 8н-р/261-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома пародонтнинг қўшма зарарланишларини даволашнинг таклиф этилган усулларини самарадорлигини ошириш билан гуруҳ ўртача кўрсаткичлари динамикасини ўрнатишга имкон берган;

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та гувоҳнома олинган: «Клиническая оценка эффективности лечения сочетанных воспалительно-деструктивных поражений пародонта» (KOELSVDPP.exe) (DGU 2022 0305), «Онлайн регистрации пациентов и сохранение архивных документов в электронном формате, изучение распространённости стоматологических заболеваний в Республике Узбекистан (DentalReg.uz)» (DGU 2022 0332).

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси, Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги ўқув, илмий-амалий маркази амалий фаолиятига тадбик этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 апрелдаги 8н-д/171-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларини даволаш муддатларини қисқартириш ва самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилан тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий йўналишлари белгилаб берилган. Тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш ҳақидаги маълумотлар келтирилган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларини этиопатогенези ва даволашнинг замонавий концепциялари**» номли биринчи бобида пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларини кечиши, таснифи, ташҳислаш ва даволаш усулларини ўрганиш соҳасида мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг долзарб ва замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Оғиз бўшлиғи микробиоценозининг илдиз канали ва пародонтга таъсирини ўрганиш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар бўйича замонавий, илмий асосланган маълумотлар баён этилган. Ўрганилаётган патологияни даволашнинг узоқ муддатли натижалари бўйича адабиётлар маълумотлари келтирилган, шунингдек, муаммонинг илмий ечимида муаллифнинг ёндашуви баён этилган.

Диссертациянинг «**Пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларини кечишини баҳолаш клиник мезонлари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида беморларнинг умумий клиник тавсифи, шунингдек, олиб борилган клиник ва лаборатория тадқиқотлари ёритилган. Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун тадқиқот 4 та йўналишда олиб борилди: 1. Пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларини клиник белгилари бўйича балллик шкаласини ишлаб чиқиш. 2. Антисептиклар ва МИЛ терапиясининг таъсири бўйича тишнинг қаттиқ тўқималарида морфологик ўзгаришларни ўрганиш. 3. Антисептиклар ва МИЛ терапиясини илдиз каналининг микробли таркибига таъсирини, оғиз суюқлигининг носпецифик резистентлигини ва оғиз бўшлиғи биотоплари бўйича микробларнинг колонизацион резистентлигини аниқлаш. 4. Пародонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишларини патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқиш.

Мақсадимизга эришиш учун тадқиқотга 25 ёшдан 65 ёшгача бўлган, касаллик давомийлиги 5 йилдан 10 йилгача бўлган, 98 нафар катта ёшли беморлар жалб қилинди, улардан 35,71% эркеклар ва 64,28% аёллар, улар даволашда қўлланилган усул, жинси ва ёши бўйича рандомизацияланган 3 та гуруҳга ажратилди. Даволаш бошланишидан олдин барча 98 нафар бемор оғиз бўшлиғи санацияси, маҳаллий оғриксизлантириш, «Фурасол» эритмаси билан пародонт чўнтақларига (ПЧ) антисептик ишлов бериш, милк усти ва милк ости тиш чўкиндилари ва ПЧ кюретажини олиб ўтказиш, тишларни вақтинчалик тахтакачлаш ва танлаб силлиқлашдан ўтказилди. Барча беморларга таркибида трихополни ўз ичига олган малҳамлар билан антимикроб терапия тайинланди. Шунингдек, барча беморлар сурункали периодонтитда тишларида эндодонтик


даволаш олиб борилди. Эндодонтик муолажадан сўнг беморлар тасодифий равишда 3 гуруҳга бўлинган.

1-гуруҳ беморларида (n=32) илдиз каналларига 3% ли натрий гипохлорит эритмаси билан антисептик ишлов берилди, 2-гуруҳ (n=34) беморларда «Фурасол» эритмаси билан илдиз каналларга антисептик ишлов бериш амалга оширилди. 3-гуруҳдаги беморларда (n=32) илдиз каналларига антисептик ишлов бериш «Фурасол» («Олайнфарм» (Латвия) эритмаси ва яқин инфрақизил диапазонда (МИЛ «Согдиана» (“Supramed”, Ўзбекистон)) ярим ўтказгичли лазернинг импульсли нурланиши билан биргаликда амалга оширилди. Эндодонтик даволаш ўз ичига қаттиқ тиш тўқималарини чархлашнинг барча босқичларини, илдиз каналларини Фурасол билан 8-10 дақиқа давомида механик ва медикаментоз ишлов беришни олди. Сўнгра биз ишлаб чиққан схема бўйича МИЛ «Согдиана» билан даволаш амалга оширилди (1-расм).

Мавжуд индексларни фойдаланишда биз кўрсаткичларни оддий суммациялашдан ва эркинлашувидан йироқлашдик. Шунинг учун, пародонтитнинг клиник белгиларини баҳолашнинг баллик тизими ишлаб чиқилди, жумладан: субъектив ҳолатни клиник баҳолаш, милклар ҳолатини клиник баҳолаш, қон кетишининг оғирлик даражаси, тишларнинг патологик ҳаракатчанлиги, пародонтал чўнтак чуқурлиги, оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати, о’Лирининг комбинацияланган милк-пародонтал индекси. Жағ суяги тўқималарининг резорбция даражасини аниқлаш учун икки турдаги рентгенография ўтказилди: контактли Pexstar X ва ортопантомографда панорамали “Morita” Veraviewepocs 3D R100 (Япония).

Морфологик тадқиқот 8 та гуруҳда 35 та олиб ташланган (сурункали периодонтит сабабли) бир илдизли пастки премоляр ва моляр тишларда С.А.Платонова (2004)нинг сақлаш режими бўйича тавсияларига мувофиқ Тошкент шаҳар патологоанатомик бюросида ўтказилди. Ишнинг микробиологик қисми Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси микробиология лабораторияси мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Лаборатория диагностикасининг замонавий усуллари қўлланилди (бактериологик анализатор-Vitek2 Compact; масс-спектрометрия-MALDI-TOFMS). Ишнинг экспериментал қисми Micrococcus Luteus штамми - 03596 (126) (Ўзбекистон Республикаси ССВ Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти одам инфекциясининг дастлабки миллий коллекцияси) бўйича олиб борилди. Микроорганизмлар Gold et al томонидан тавсия этилган услуб бўйича ҳисоблаб чиқилди [Gold OG, Jordam HV, van Houte J. A selection medium for streptococcus mutans. ArchsOralBiol. 1973;18(11):1357-64.].

Оғиз бўшлиғининг носпецифик резистентлигини агардаги радиал диффузия усулида IgA даражаси билан аниқланди (Manchinietal., 1965 бўйича). Оғиз суюқлигидаги нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини аниқлаш учун сўлакни йиғиш ва қайта ишлаш В. И. Антонов (2006) модификациясида амалга оширилди.



1-расм. Пародонтнинг қўшма яллиғланишли деструктив зарарланиши билан касалланганларни даволаш алгоритми

Оғиз суюқлигидаги лизоцим фаоллиги Ш.Р.Алимов томонидан таклиф этилган усул ёрдамида аниқланди. Оғиз бўшлиғидаги микробларнинг колонизацион резистентлиги микрофлора таркиби бўйича аниқланди. Бактериологик тадқиқот учун материалдан намуна олиш Кравцова Е. О. (1995) усули бўйича амалга оширилди. Микрофлора Канарейкина С.К. (1985) модификациясида Наеpe1 усули бўйича (1979) ўрганилди.

Олинган маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил қилишда MS Excel 2016 дастурий таҳлил пакетининг статистик функциялари ва қўшимча процедуралари, шунингдек, IBM SPSS Statistics 22.0. тўпламидан фойдаланилди. Интенсив ва экстенсив кўрсаткичлар (p), ўртача статистик қиймат (M), ўртача стандарт хато (m), ўртача квадратик оғиш ($\pm\delta$)ни ҳисоблаш билан вариацион статистикасининг стандарт усулларидан фойдаланилди. Беморларнинг турли гуруҳларида олинган тадқиқот маълумотлари ўртасидаги фарқларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш учун (t) Стъюдент мезони ҳисоблаб чиқилди. Аҳамиятлилик даражасининг критик қиймати 5% га тенг деб қабул қилинди Даволаниш самарадорлигини қиёсий баҳолаш Байес формуласи бўйича амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Пародонт тадқиқоти предметининг клиник, микробиологик ва морфологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида пародонт яллиғланишининг клиник белгиларини даволашдан олдин баҳолаш бўйича хусусий маълумотлар натижалари, морфологик ва микробиологик тажриба натижалари ёритилган.

Уч гуруҳдаги беморларда асосий шикоятлар қуйидагилар бўлган: овқатланиш, тишларни тозалаш, овқатни тишлашда кучаядиган маҳаллий тиш оғриғи (100%, $n_1=32$, $n_2=34$, $n_3=32$), милклар қонаши $n_1=31$ (96,87%), $n_2=32$ (94,11%), $n_3=31$ (96,87%), милк усти ва милк ости тошларининг кўплиги $n_1=30$ (93,8%), $n_2=32$ (94,11%), $n_3=31$ (96,87%), оғиздан ёмон ҳид келиши $n_1=28$ (87,5%), $n_2=29$ (85,2%), $n_3=29$ (85,2%), милкларда қичишиш, ачишиш ва оғриқ $n_1=28$ (87,5%), $n_2=30$ (88,2%), $n_3=30$ (88,2%), милклар рангининг ўзгариши (100%, $n_1=32$, $n_2=34$, $n_3=32$), тишларнинг ҳаракатчанлиги ва силжиши $n_1=30$ (93,8%), $n_2=32$ (94,11%), $n_3=31$ (96,87%), пародонтал чўнтаклар, периапикал соҳа проекциясидаги оқма йўллардан йиринг оқиши $n_1=4$ (12,50%), $n_2=4$ (11,76%), $n_3=2$ (6,25%).

Беморларнинг ўрганилаётган гуруҳларида субъектив ҳолат бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади: 1-гуруҳда ўртача балл $6,57\pm 0,180$, 2-гуруҳда – $6,46\pm 0,296$, 3-гуруҳда – $6,42\pm 0,247$ ($p<0,05$). Милк ҳолатининг ўртача кўрсаткичи беморларнинг ўрганилаётган гуруҳларида қўлланилган балл шкаласига тўғри келиб, $4,08\pm 0,051$; $4,09\pm 0,070$; $4,06\pm 0,038$ ($p<0,05$) балл оралиғида ўзгариб турди. Қонашнинг интенсивлиги бўйича гуруҳлараро фарқлар аниқланмади: 1-гуруҳдаги беморларда $5,82\pm 0,191$ балл, 2-гуруҳда $5,67\pm 0,367$ балл, 3-гуруҳда $5,61\pm 0,468$ балл ($p<0,05$) ва тиш ҳаракатчанлигининг ўртача балли эса 1-гуруҳда $4,87\pm 0,243$, 2-гуруҳда – $4,69\pm 0,205$, 3-гуруҳда - $4,73\pm 0,060$ ($p<0,05$)ни ташкил этди.

Ўрганилаётган гуруҳларда қўлланиладиган баллар шкаласи бўйича ПЧ чуқурлиги $4,93 \pm 0,234$; $4,84 \pm 0,092$; $4,92 \pm 0,068$ ($p < 0,05$) баллга тўғри келди, бу 4-6 мм ва 6 мм дан ортиқни ташкил этди. Оғиз бўшлиғи гигиенаси ўрганилганида беморларнинг уч гуруҳида ОНІ-S кўрсаткичлари $4,61 \pm 0,038$; $4,59 \pm 0,463$; $4,51 \pm 0,246$ ($p < 0,05$) оралиғида эканлиги аниқланди. о'Лири индекси бўйича пародонтнинг яллиғланишли-деструктив зарарланишларининг умумий оғирлик даражаси, биз томондан қабул қилинган баллик шкала бўйича, $9,18 \pm 0,116$; $9,28 \pm 0,160$; $9,24 \pm 0,125$ ($p < 0,05$) даражасини ташкил этди.

Дастлаб, иккала гуруҳдаги пародонтал индексларнинг қийматлари бир-бирдан сезиларли даражада фарқ қилмади ва пародонтдаги яллиғланишли ўзгаришларининг аниқ намоён бўлишганини кўрсатди. Жағларнинг рентгенологик текшируви тишлараро тўсиқларнинг суяк тўқималарини тиш илдизи узунлигининг 1/2 қисмидан кўпроқ қисми резорбциясини аниқлаш имконини берди. Рентгенограммада минераллашган тиш чўкиндилари ҳисобига тишлар илдизларининг деформацияси тасвири қайд этилди. Жағ таналари ва альвеоляр ўсиқларининг чуқур соҳаларида ҳеч қандай ўзгаришлар аниқланмади. 1-гуруҳ беморларида сурункали периодонтитнинг баллик баҳоси қуйидагиларни ташкил этди: К04,5 - 14 та ҳолатда $5,10 \pm 0,89$, К04,6 - 12 та ҳолатда $6,24 \pm 0,95$, К04,7 – 14 та ҳолатда $6,41 \pm 0,34$ балли; 2-гуруҳда К04,5 - 16 та ҳолатда $5,72 \pm 0,47$, К04,6 – 13 та ҳолатда $6,58 \pm 0,28$, К04,7 - 14 та ҳолатда $6,52 \pm 0,21$ балл; ҳамда 3-гуруҳ беморларида К04,5 билан касалланиш 18 та ҳолатда кузатилди - $5,82 \pm 0,26$, К04,6 – 13 ҳолатда $6,67 \pm 0,24$, К04,7 – 16 та ҳолатда $6,74 \pm 0,25$ балл. Текширилган беморларда пародонтитнинг кузатилиши 1-гуруҳда енгил оғирликда (ЕОД) 2 (6,25%), ўртача оғирликда даражасида (ЎОД) 28 (87,5%) ва оғир даражада 2 (6,25%)та (ООД), 2-гуруҳда – ЕОД 2та (5,88%), ЎОД 30 та (88,23%) ва ООД 2та (5,88%) касалланган, 3-гуруҳда – ЕОД 1та (3,12%), ЎОД 30 та (93,75) ва ООД 1та (3,12%) бемор касалланган.

Шундай қилиб, барча ўрганилган гуруҳларда периодонтитнинг деструктив шакллари билан бирга ўртача оғирликдаги сурункали пародонтитнинг учраши устунлик қилди. Пародонт тўқималарнинг маҳаллий зарарланишлари оғирлигини кетма-кетлиги аниқланди: сурункали апикал периодонтит, сурункали апикал периодонтит + ПЎО, парадонтнинг қўшма яллиғланишли-деструктив зарарланиши.


Имкониятлар нисбатларини ҳисоблаш, беморларнинг тадқиқот гуруҳида ПҚЯДЗ ривожланиши патологияси фонида энг муҳим гуруҳларни аниқлашга имкон берди. Барча ўрганилган касалликлар гуруҳлари ИИ 95%да $OR \geq 1$ юқори имкониятлар нисбати кўрсаткичи билан ПҚЯДЗ ривожланиш хавфи алоқадорлигини кўрсатади. Таҳлил шуни кўрсатдики, ушбу патологияни ривожланиш эҳтимоли йод танқислиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар билан боғлиқ қалқонсимон без касалликлари каби хавф омиллари учун энг юқори бўлган (Е 01) - 7,962 (95% ИИ=0,255;0,484); тиреотоксикоз (гипертиреоз) (Е 05) – 4,750 (95% ИИ= 0,002; 0,117); бўшлиқсиз периапикал

абцесс (К 04.7) - 4,617 (95% ИИ = 0,179; 0,419); ўн икки бармоқли ичак яраси (К 26) - 3,774 (95% ИИ = 0,084; 0,307); бўшликли периапикал абцесс (К 04.6) 3,589 (95% ИИ = 0,120; 0,356); темир танқислиги анемияси (D 50) - 3,538 (95% ИИ = 0,145; 0,394); ошқозон яраси (К 25) - 2,919 (95% ИИ = 0,042; 0,248); сурункали апикал периодонтит (К 04.5) - 2,880 (95% ИИ = 0,075; 0,404); гастрит ва дуоденит (К 29) - 2,677 (95% ИИ = 0,089; 0,342); овқатланиш билан боғлиқ бўлган, аммо аниқланмаган анемия (D 53.9) - 2,323 (95% ИИ = 0,046; 0,289); холецистит - 2,533 (К 81) (95% ИИ = 0,065; 0,310); сурункали юрак ишемик касаллиги (I 25) - 2,267 (95% ИИ = 0,024; 0,248); грипп ва пневмония (J09-J18)- 2,069 (95% ИИ = 0,031; 0,285).

ПКЯДЗ ривожланишининг мураккаб, кўп омилли патогенези иммунитет танқислиги ҳолатларининг ривожланишига олиб келадиган, пародонтдаги маҳаллий бузилишларни аниқлайдиган тизимли жараёнларнинг бир қисмидир.


Ушбу мақсадга эришиш учун биз оғиз бўшлиғида мавжуд бўлган микробларнинг (факультатив ва облигат анаэроб флора: анаэроб стрептококклар, анаэроб стафилококклар, энтеробактериялар, *Candida* замбуруғлари) турли хил концентрациялардаги натрий гипохлорит (0,5-0,3-5,0%) ва Фурасол каби препаратларга сезгирлигини ўргандик. Ушбу тадқиқотлар *inVitro* шароитида ўтказилган (2-расм).

Шундай қилиб, оғиз бўшлиғи микробларининг турли концентрациялардаги (0,5 - 3,0 -5,0%) натрий гипохлоритга сезгирлигини ўрганиш учун олиб борилган микробиологик тадқиқотга асосланиб, энг катта антибактериал таъсирни 3% концентрацияга эга бўлган натрий гипохлорит кўрсатиши аниқланди. «Фурасол» препарати оғиз бўшлиғидаги кўпчилик микробларга нисбатан аниқ антибактериал фаолликни кўрсатди ва фақат лактобактериялар культураси ушбу препаратга резистент бўлди.



2-расм. *inVitro* шароитида оғиз бўшлиғи микробларининг дори препаратларига сезгирлик тавсифи.

Таърибада олинган микробларни экишда Петри идишларида 3% ли натрий гипохлорит эритмаси билан тўйинган дискларни қўллаганда ва уларни МИЛ билан 1-3-5 дақиқа таъсир қилганда, 3 минутлик таъсирда антибактериал фаолликни оширишга жуда ижобий таъсир кўрсатади. (3-расм).



3-расм. МИЛ «Согдиана» билан ишлов берилгандан кейин микробларнинг дори препаратларига сезгирлигининг қиёсий тавсифи мм.да.


Айнан шундай экспозициянинг ижобий динамикаси Фурасол препаратини қўллаганда қайд этилди. Шунини таъкидлаш керакки, 3% натрий гипохлорит грам-мусбат микробларга грам-манфий микробларга қараганда яхши антибактериал таъсир кўрсатди.

Антисептикларнинг самарадорлигини қиёслаш учун биз турли хил антисептиклар билан медикаментоз ишлов берилган 35 та илгари олинган тишлар тўқималарида морфологик тадқиқот ўтказдик.

Тиш тўқималарини морфологик ўрганишда турли концентрациялардаги (0,5% -3% -5%) натрий гипохлорит ва МИЛ «Согдиана»ни қўллаган ҳолда «Фурасол» билан ишлов берилган кесмада бир дақиқалик экспозицияда, микронайчалар ҳолатини яхшилашга қаратилган ёрқин таъсир суръатини бермайди.

МИЛ билан худди шу воситалар билан 3 дақиқа давомида экспозицияли ишлов берилган тиш тўқималарининг гистологик кўриниши шунини кўрсатдики, натрий гипохлорит билан ишлов бериш пайтида аниқ деструкция ва юмшаш, дентин найчалари ҳам кенгайган ва илдиз олди соҳанинг деворида детрит массаларининг тўпланиши қайд этилган. «Фурасол» билан 3 дақиқа давомида ишлов берилганда, тиш тўқималари кўпроқ сақланиб қолади, деструктив белгилар аниқланмайди, дентин найчалари ўзгармайди. Деворда натрий гипохлорит билан ишлов бериш вақтида аниқланган детрит массалари кузатилмайди. Кесмада тиш деворининг апикал учдан бир қисмининг илдиз

соҳасида кальцификация қайд этилган, бўшлиқ эркин, девори эса текис. Шундай қилиб, фурасол ва МИЛ ёрдамида илдиз каналларини тозалаш усули тиш тўқималарига нисбатан аёвчи таъсир қилади (4-расм).



А



Б

4-расм. А-Илдиз каналига МИЛ билан 3 дақиқа давомида 3%ли натрий гипохлорит билан ишлов бериш. Ён деворлари деструкция ва юмшаш соҳаларига эга. Призмада кистоз бўшлиқлар. Бўяш гем.-эоз. Катталаштириш ҳажми 10.0. Б - Илдиз каналига МИЛ билан 3 дақиқа давомида «Фурасол» препарати билан ишлов бериш. Бўйин олди соҳасида детрит массалари кўринмайди, бўшлиқ ичи бўш. Бўяш. гем.эоз. Катталаштириш ҳажми 4.0

Турли хил концентрациядаги натрий гипохлорит билан МИЛни 5 дақиқали экспозицияси ўтказилган тажрибада детритнинг эркин жойлашган микрозаррачалари, кальцинатларнинг чўкиндилари ва деструкция соҳалари, иккиламчи дентин кўринишида суртилган қатлам ҳосил бўлиши аниқланди. Айнан шу экспозицияда фурасол эритмаси билан ишлов берилган кесмаларда дентин-эмаль чегаралари аниқ кўринган, дентин найчалари кенгаймаган, одонтобластлар дистрофик ўзгаришлар белгиларисиз, шунингдек, кальцинат қатламларининг чизиқли чўкиши қайд этилган.

Шундай қилиб, in Vitro тажрибасида «Фурасол» ва МИЛ терапияси билан биргаликда илдиз каналларини медикаментоз даволашнинг оптимал усули асосланди, бу дори эритмасининг илдиз канал тизимига энг чуқур кириб боришини таъминлайди. Илдиз каналидаги факультатив анаэроб микроорганизмлар титрининг тишнинг қаттиқ тўқималарининг тузилмаларига зарар бермасдан, статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайиши тажрибада исботланган.


Диссертациянинг «**Оғиз бўшлиғининг клиник, иммуно-микробиологик ҳолатига даволашнинг турли усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида пародонтнинг кўшма яллиғланишли-деструктив зарарланишлари бўлган беморларни даволашнинг ишлаб чиқилган алгоритми натижалари келтирилган. Пародонтитнинг клиник кечишининг оғирлигини қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, барча ўрганилган клиник симптомлар бўйича юқори клиник таъсир «Фурасол» («Олайнфарм»

(Латвия) ва МИҚ «Согдиана» (“Supramed”, Ўзбекистон)дан фойдаланганда қайд этилган (3-гурух).

Даволашдан сўнг барча гуруҳлардаги беморларнинг субъектив ҳолатини клиник баҳолаш (СХҚБ) баллининг пасайиши қайд этилган, бу 1-гурухда 61,04% га ($p<0,05$); 2-тажриба гуруҳда -71,21% га ($p<0,05$); 3-гурухда - 91,93% га ($p<0,05$) камайган. Даволанишдан сўнг милк оч пушти рангда бўлиб, окма йўлларида ва улардан ажралмалар кузатилмади. Шу билан бирга, МХҚБ 1-гурухда - 29,42% га ($p<0,05$); 2-тажриба гуруҳида -55,51% га ($p<0,05$); 3-гурухда - 83,01% га ($p<0,05$) камайган.

Даволанишдан сўнг, милкни қонаши кўрсаткичи (даволашдан олдинги қонаш билан солиштирганда) 1-назорат гуруҳида 33,85% га ($p<0,05$); 2-тажриба гуруҳда - 50,08% га ($p<0,05$); 3-гурухда - 65,96% га ($p<0,05$) камайган. Тишларнинг патологик ҳаракатчанлиги асосий гуруҳда статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайди, бунда таққосланган гуруҳларда ўртача балл 1-гурухда 25,67% га ($p<0,05$); 2-гурухда – 32,63% га ($p<0,05$); 3-гурухда - 49,48% дан ортиқ камайди ($p<0,05$).

Даволанишдан сўнг пародонтал нуқсонларнинг клиник хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, даволаш тугаганидан сўнг, 1-гурухдаги ўртача ПЧ балл - 34,28% дан кўпроққа ($p<0,05$); 2-гурухда - 46,70% га камайди ($p<0,05$); 3-гурухда ПЧ баллининг мос равишда пасайиши 62,20% ни ташкил этди ($p<0,05$). ОНІ-S индекси ва о’Лири бўйича даволаниш натижаларида сезиларли фарқ аниқланди: 1 ва 2-гурухлардаги беморларда даволаш натижалари самарадорлиги камроқ самарадор бўлди.



5-расм. 1, 2, ва 3-гурухдаги клиник белгиларнинг динамикаси даволашдан олдин, даволашдан кейин, 1 ва 6 ойдан сўнг.

Шундай қилиб, ОНІ-S индексининг ўртача баллини пасайиши 1-гуруҳда даволашдан сўнг 52,93% ни ($p<0,05$); 2-гуруҳда - 67,98% ни ($p<0,05$); 3-да эса ОНІ-S индекси баллининг мос равишда пасайиши 79,38% ни ташкил этди ($p<0,05$). О'Лири индексининг ўртача гуруҳ баллини пасайиши мос равишда - 47,94% ($p<0,05$), 53,98% ($p<0,05$) ва 64,94 ($p<0,05$) ни ташкил этди (5-расм).

Даволанишдан кейинги натижалар 1 ва 6 ойдан сўнг ҳам баҳоланди. Барча ўрганилган клиник индекслар бўйича барқарор натижалар ва яллиғланишнинг пасайиши 3-гуруҳда кузатилди (5-расм).

Шундай қилиб, 1-ойдан кейин СХҚБ 1-қиёслаш гуруҳида 60,74% га ($p<0,05$); 2-гуруҳда – 75,86%га ($p<0,05$); 3-гуруҳда эса – 91,13%га камайди ($P<0,05$); МХҚБ нинг тегишли динамикаси 34,32% ($p<0,01$); 60,4% ($p<0,05$) ва 83,01% ($p<0,05$)ни ташкил этди; милкни қонаши мос равишда 34,71% ($p<0,05$); 52,56% ($p<0,05$) ва 65,96% ($p<0,05$)га камайган; тишларнинг патологик ҳаракатчанлиги эса - 25,67% ($p<0,05$); 34,76% ($p<0,05$) ва 49,48% ($p<0,05$) га; пародонт чўнтакнинг чуқурлиги 34,28% ($p<0,05$), 50,83% ($p<0,05$) ва 62,2% ($p<0,05$) га камайди; ОНІ-S индексининг қиймати 52,93% ($p<0,05$), 70,16% ($p<0,05$) ва 79,38% ($p<0,05$) га камайди.

Даволашдан сўнг милк ва пародонт сезиларли даражада тикланди, тил сўрғичлари қисқарди ва нормал шаклга келди, яллиғланиш белгилари сезиларли даражада камайди. Шундай қилиб, даволашдан кейин о'Лири индексининг ўртача кўрсаткичи 44,67% ($p<0,05$), 54,96% ($p<0,05$) ва 64,94% га ($p<0,05$) га камайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ПҚЯДЗни даволашнинг анъанавий тамойиллари амалга оширилган таққослаш гуруҳида 6 ойдан сўнг юқори кўрсатилган индексларнинг қийматлари деярли ўзгармади. Кўриқдан ўтказилган беморларнинг асосий гуруҳида ПҚЯДЗ бўйича терапевтик чоратadbирлар комплекси фаол амалга оширилгандан сўнг, 6 ойдан кейин олинган натижалар клиник индексларда ишончли динамикасини кўрсатди.

Шунда, 6-ойдан кейин СХҚБ 1-қиёслаш гуруҳида 61,04% га ($p<0,05$), 2-гуруҳда – 75,86%га ($p<0,05$) ва 3-гуруҳда - 92,22% га ($P<0,05$) камайди; МХҚБнинг тегишли динамикаси 34,32% ни ($p<0,05$), 60,4% ($p<0,05$) ва 83,01%ни ($p<0,05$) ташкил этди; милкларни қонаши мос равишда 33,85% ($p<0,05$); 52,56% ($p<0,05$) ва 74,87%га ($p<0,05$) камайди; тишларнинг патологик ҳаракатчанлиги эса - 25,67% ($p<0,05$), 34,76% ($p<0,05$) ва 61,74% га ($p<0,05$); пародонтал чўнтакнинг чуқурлиги 34,28% ($p<0,01$), 50,83% ($p<0,05$) ва 68,3% ($p<0,05$) га камайди; ОНІ-S индексининг қиймати 52,93% ($p<0,05$), 71,68% ($p<0,05$) ва 86,04% ($p<0,05$) га камайди; о'Лири индексининг ўртача балли 44,67% ($p<0,05$), 54,96% ($p<0,05$) ва 67,1%га ($p<0,05$) га камайди.

Комплекс терапияга МИЛ «Соғдиана» билан антисептик «Фурасол» киритилиши КХСБни 32,84% га; МХҚБ - 64,55% га; милкларнинг қонашини - 48,68%га; ПЧ чуқурлиги - 44,88%га; оғиз бўшлиғи гигиенаси индексини - 33,32% ва о'Лири индексини 26,17%га пасайишига олиб келади. Комплекс даволаш қўлланилганида умумқабул қилинган терапия билан солиштирганда

пародонтнинг клиник ҳолатини яхшилашини ўртача самарадорлиги 42,65% ни ташкил этди.

